

Ishonch

2019 йил 4 июнь • сешанба • № 69 (4198)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Инсонпарварликнинг юксак намунаси

Мамлакатимизда бугунги кунда олиб борилаётган кенг қўлмалли ислохотлар, улкан бунёдкорлик, маънавий соҳадаги тўб ўзгаришлар замирида азалдан халқимизга хос бўлган бағрикенглик ва кечиримлилик фазилатлари мужассам.

Шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфасини янада обод қилиш, янги ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларни барпо этиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Булардан кўзланган ягона мақсад — халқимиз фаровонлигини юксалтириш, аҳолига муносиб турмуш шароитини яраттишдан иборат.

Мана шундай янгиланиш жараёнларида фаол иштирок этаётган фуқароларимиз билан бир қаторда, ҳаёт йўларида адашиб, ҳозирги вақтда хатоларидан тўғри хулоса чиқарган юртдошларимизга мамлакатимиз раънақига ҳисса қўиши учун яна бир бор имконият бериш — жамиятимизнинг инсонпарварлик ва адолат тамойилларига уйғун ва ҳамоҳангдир.

Маълумки, жиноят содир этган шахс нафақат ўзининг, балки фарзандлари, ота-онаси, қавм-у қариндошларининг ҳам келажаги ва тақдирига таъсир ўтказмасдан қолмайди. Озодликдан маҳрум бўлган киши азиз фарзандларини ўз меҳридан айририб, ота-оналарини ҳам айрилиқ доғига мубтало қилади.

Шу сабабли, хато қилган ва бугунги кунда қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган шахсларни кечириб — юксак инсонпарварлик намунаси бўлиб, у яқин инсонини изтироб ва интизорлик билан кутаётган бутун бир оилани янгидан ҳалётга қайтариш билан баробардир.

Ана шу ҳолатларни инобатга олиб, бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш арафасида давлатимиз гуманистик сиёсатининг ҳамда халқимизга хос эзгулик ва меҳр-оқибат, кечиримли бўлиш каби олижаноб фазилатларнинг амалий тасдиғи сифатида «Жазо муддатини

ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармонни имзолади.

Маъмур инсонпарварлик акти — давлатимизнинг ҳар қандай ҳолатда ҳам фуқаролар учун ғамхўрлигининг ёрқин мисолидир.

Зеро, жиноятга қўл урган боши деворга теккандан сўнг адашганлигини тушуниб етган одамларни афв этиш — муқаддас динимизнинг ҳам асосий арконларидан бири саналади.

Фармонга мувофиқ, содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазо ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 575 нафар фуқаро афв этилди. Уларнинг 361 нафари жазодан тўлиқ озод қилиниб, ота-онаси, фарзандлари ва яқинлари бағрига қайтарилади, шунингдек, 214 нафар шахснинг озодликдан маҳрум этиш жазо муддатлари қисқартирилади.

Афв этилганларнинг 7 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, 6 нафарини аёллар, 1 нафарини чет эл фуқароси ташкил этади.

Давлатимиз раҳбари Фармонда қайд этганидек, жиноят содир этган шахсларни фақат жазолаш эмас, балки «Жаҳолатга қарши маърифат» ёси асосида қайта тарбиялаш, уларнинг ўз ҳалол меҳнати билан жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун барчамиз бирдек масъулмиз.

Шунга қўра, Фармон ижросини таъминлаш мақсадида афв этилган шахсларнинг ижтимоий мослашуви, уларни фойдали меҳнатга жалб этиш ва соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишига қўмаклашиш юзасидан масъул вазирликлар, идоралар ва ҳокимликларга тегишли топшириқлар берилди.



ОДАМЛАР БУГУНИДАН МАМНУН БЎЛИБ, ЭРТАНГИ КУНИГА ИШОНЧ БИЛАН ЯШАШИ КЕРАК

Нурафшон шаҳрида 3 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Тошкент вилояти фаоллари, ҳокимлар ва секторлар раҳбарлари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари ўзи бевосита жойларга бориб, раҳбарларни дубориб, энг долзарб масалалар ҳал қилинаётгани, ҳамма жойда ўзгариш бўлаётгани, лекин Тошкент вилояти «уйғонмаётгани»ни таъкидлади.

Вақт шиддат билан ўтпти. Ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа ғанимат. Биз сиёсатни белгилаб, янги-янги имкониятлар яратяпмиз. Мутасаддилар қаттиқ талаб қилиб, қўйи тизимдаги раҳбарлар жон қўйдириб ишлаб, натижани таъминлаши керак. Одамлар қуруқ гапни кўтармайди. Тошкент вилоятида эса жонланши кузатилаётган. Қани рақобат, қани илм, қани

натижа, қани ташаббус, дея мурожаат қилди Шавкат Мирзиёев йиғилиш иштирокчиларига.

Катта иқтисодий салоҳият мавжуд бўла туриб, вилоятдаги резерв ва имкониятлар тўлиқ ишга солинмаётгани, саноат соҳаси ҳанузгача бир нечта йирик корхона билан чекланиб қолаётгани кўрсатиб ўтилди. Бўка, Пскент, Паркент, Оҳангарон, Бекобод, Қўйи Чирчиқ, Оққўрғон ва Чиноз туманларида саноат ривожини кўрсатиш ҳажми мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичдан 2-3 баробар кам.

Йиғилишда тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалиги, бандлик, ижтимоий шароитларга доир долзарб масалалар муҳокама қилинди. Президент Тошкент вилояти иқтисодиётини ривожлантириш, янги корхоналар ва иш ўринлари яратиш бўйича муҳим вазифаларни белгилаб берди.

2019-2020 йиллар учун умумий қиймати 39 триллион 833 миллиард сўмга

тенг 784 инвестиция лойиҳасидан иборат янги ҳудудий дастур шакллантирилгани қайд этилди. Уларнинг 15 таси давлат аҳамиятига эга йирик лойиҳа бўлса, 769 таси хусусий бизнес ва инвесторлар иштирокида амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектларининг 17 фоизи ишламаётгани, Ангрен шаҳри ва Чиноз туманида бу кўрсаткич 30-33 фоизга чиқиб кетгани танқид қилинди. Уларнинг фаолиятини тиклаш, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган оилаларга «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида жорий йилда 350 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича топшириқ берилди. Талаб бўлса, яна қўшимча маблағ ажратилади.

Нима учун оилавий тадбиркорлик, уйларда паррандачилик, чорвачилик, томорқачилик бўлсин, деямиз? Одамларнинг даромади ошиши, тўлов қobiliяти юқори бўлиши керак, деди давлатимиз раҳбари.

2

«ТЕМП – 2019»

Халқаро форум ёшларни чорлайди

Жорий йилнинг 22-28 июнь кунлари Қасаба уюшмалари ёшларининг «ТЕМП – 2019» Тошкент халқаро форуми бўлиб ўтади.

Маъмур анжуман жаҳон ва Ўзбекистон қасаба уюшмаларининг ёш фаолларини юртимиздаги кенг қўлмалли ислохотлар, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш механизмлари, унда қасаба уюшмаларининг иштироки, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, қўлаб-қувватлаш йўлидаги ишлар ҳамда миллий маҳсулотларимиз билан таъминлашни мақсад қилган.

Нуфузли тадбирда 20 та давлатдан 100 нафар ёш, 100 нафар Ўзбекистон қасаба уюшмалари ёш фаоллари — жами 200 нафар иштирокчи қатнашиши кўзда тутилмоқда.

Форум дастуридан иштирокчиларни мамлакатимиздаги салоҳиятли корхоналар, миллий хунармандчилик, шунингдек, Тошкент, Самарқанд шаҳарларининг тарихий обидалари, диққатга сазовор жойлари билан таништириш, уларнинг ёш спортчилар, жаҳон ва олимпия чемпионлари билан уч-

рашувини ташкил этиш жой олган.

Форум доирасида «Мамлакат ижтимоий ривожланишида қасаба уюшмалари ёшларининг ўрни: Ўзбекистон таърибаси ва халқаро амалиёт» халқаро илмий анжумани ташкил этилади.

Унда иштирокчилар мамлакатимиз қасаба уюшмалари тизимида ёшлар билан ишлаш бўйича яратилган ўзига хос механизм, қасаба уюшмаларининг барча бўғинларида ёшлар масаласи билан шуғулланувчи тузилмалар фаолияти билан яқинроқ танишади.

Тадбирлар давомида иштирокчиларга мамлакатимизда ёшларнинг интеллектуал салоҳияти ва касбий кўникмаларини ривожлантириш, бандлигини таъминлашга қўмаклашиш мақсадида олиб борилаётган ишлар ҳам таништирилади. Бунда қасаба уюшмалари ташаббуси билан ташкил этилаётган «Менинг келажагдаги иш жойим» акцияси,

«Қасаба уюшмалари стипендияси», «Энг фаол ёш ишчи касб эгаси» танловининг мазмун-моҳияти иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

Шунингдек, Президентимиз томонидан ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус бераётган самаралар билан форум қатнашчилари кенг таништирилади.

Қасаба уюшмалари ёшларининг «ТЕМП – 2019» Тошкент халқаро форуми иштирокчиларда мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътибор, уларга яратилаётган шарт-шароитлар, бу жараёнда юртимиз қасаба уюшмаларининг тутган ўрни, қолверса, Ватанимизнинг кўҳна ўтмиши ва бой маданияти ҳақида ёрқин тасаввур уйғотиши билан жиддий аҳамият касб этишига шубҳа йўқ.

Тўлқин ШЕРНАЕВ,
«ISHONCH»



ҲАЯЖОН ЧЕКСИЕВ, РУҲ ҚЎТАРИНКИ



БЕМАЪНИ ҲАВИЛНИНГ ТАГИ ЗИЛ



ЎРНАК



КУН НАФАСИ

Арманистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Арсен Торосян бошчилигидаги делегация ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

uz.uz

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 майдаги янги қарори имзоланиб, унга қўра Ўзбекистонда табиий ва суюлтирилган газ, шунингдек, электр энергияси нархлари ошмайди деган бўлди.

kun.uz

Ҳотамжон Кетмонов Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари этиб тайинланди.

«Хўқўқий ахборот» канали

Нукус шаҳрида 3 июнь — Халқаро велосипедчилар кунига бағишланган веломарафон бўлиб ўтди.

uz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги анжуманлар залида Қонунчилик палатаси ва Давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш агентлиги вакиллари иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

kun.uz

Фарғона шаҳридаги «Истиқлол» теннис мажмуасида Халқаро теннис федерацияси тақвимида жой олган «Фьючерс» туркумига кирувчи мусобақа бошланди.

uz.uz

14-16 июнь кунлари Бўстонлиқ туманида «Чимён садоси — 2019» халқаро фестивали ўтказилади.

uz.uz

Тошкент шаҳар Учтепа тумани 1-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида «Беш ташаббус» шиори остида хотин-қизлар ўртасида стол теннис бўйича мусобақа ўтказилди.

uz.uz

Миллий матбуот марказида «Ўзғароқимёхия» акциядорлик жамияти томонидан фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига кўрсатилаётган хизматлар самардорлигини ошириш борасидаги ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

uz.uz

Қорақалпоғистон Республикаси Қонлиқўл туманида минг ўринга мўлжалланган «Жайхун» стадиони фойдаланишга топширилди.

uz.uz

Андижон шаҳридаги Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернат жамоасига Президент совғаси — автобус тантанали равишда топширилди.

uz.uz

2019 йилнинг 7-9 июнь кунлари Хива шаҳрида Паҳлавон Маҳмуд номидаги 1-халқаро баҳодирлар ўйинлари ўтказилди.

uz.uz

2019 йил 4-7 июнь кунлари пойтахтимиз Тошкентда Темир йўл Ҳамкорлик ташкилоти Вазирлар кенгашининг 47-сессияси бўлиб ўтади.

uz.uz

ОДАМЛАР БУГУНИДАН МАМНУН БЎЛИБ, ЭРТАНГИ КУНИГА ИШОНЧ БИЛАН ЯШАШИ КЕРАК

«1 «Ангрен» эркин иқтисодий зонасида 470 гектар ва «Бўстон-лик-фарм» зонасида 20 гектар майдон ханузгача лойиҳалар билан тўлдирилмаган. Шу сабабли «Ангрен» эркин иқтисодий зонаси Жанубий Кореянинг «Инчон» эркин иқтисодий зонасига ишончли бошқарувга берилгани маълум қилинди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, вилоят ҳокимининг инвестициялар бўйича ўринбосарига вилоятдаги 20-30 тадбиркорни танлаб, Корея Республикасига хизмат сифатини ташкил этиш вазифаси топширилди. Тадбиркорлар «Инчон» эркин иқтисодий зонаси фаолияти билан бевосита танишади.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятдаги ижтимоий ва коммунал соҳаларга оид масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

Вилоятда аҳолининг атиги 64 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминлангани жиддий муаммо. Бу – ҳисобот кўрсаткичи. Амалда бу рақам 40-50 фоиз. Бўка, Қуйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ туманлари ва Нурафшон шаҳрида 30 фоизга ҳам бормади. Шундай шароитда раҳбарлар қандай қилиб кабинетда хотиржам ўтиради, деди Шавкат Мирзиёев.

Бу муаммони ҳал этиш мақсадида жорий йилда 440 километр ичимлик суви тarmoқлари ва 301 та сув иншоотида қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш режалаштирилган. Осиё тараққиёт банки иштирокидаги 144 миллион долларлик ушбу лойиҳанинг биринчи босқичи доирасида қурилиш ишлари бошлангуборилган.

Вилоятда долзарб бўлган яна бир муаммо экология билан боғлиқ. Тошкент шаҳридаги маиший чиқиндилар ташланганидан Оҳангарон туманидаги полигон 98 фоизга тўлган. Уни ёпиб, янгисини қуриш керак. Бу тозалик, аҳоли саломатлигини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга, деди давлатимиз раҳбари.

Ичимлик суви, оқова тизими объектлари билан бирга умумий ўрта таълим ва соғлиқни сақлаш, автомобиль йўллари билан боғлиқ муаммоларни тезкор ҳал қилиш бўйича топшириқлар берилди. Бунинг учун қўшимча равишда 1 триллион 100 миллиард сўм маблағ ажратилиши маълум қилинди.

Президентимиз Нурафшон

шаҳрида бош режа асосида амалга оширилаётган бунёдкорлик лойиҳалари билан танишди.

Бу шаҳар 2017 йили Тошкент вилояти маъмурий марказига айлантирилиб, масъул идора ва ташкилотлар шу ерга қўчирилди, уларга зарур шарт-шароит яратилмоқда. Ўтган йили шаҳарнинг бош режаси ишлаб чиқилди.

Янги маъмурий марказда аҳоли учун барча шарт-шароитларни яратиб, инфратузилма ва коммуникацияларни янгиллаш, пойтахтимизда бошланган бунёдкорлик жараёнини вилоят марказига ҳам кенг ёйиш мақсадида 246 гектар майдонда «Smart city» қуриш лойиҳалаштирилмоқда.

Тулиқ ақли технологияларга асосланган ушбу «ақлли шаҳарча» уч босқичда барпо этилади. Биринчи босқичда жами 1792 квартиралар тўққиз ва ўн икки қаватли уйлар қурилади. Янгидан қад ростлайдиган Нурафшон университети ёшларнинг замонавий касб-хўнарсиз егаллашига замин яратса, ёпиқ спорт мажмуасида бадий гимнастика, теннис, кураш ва қиличбозлик каби спорт турлари бўйича йирик мусобақалар ўтказилади.

Шавкат Мирзиёев яқинда пойтахтимиздаги Чилонзор туманининг Боғистон кўчасида қурилаётган 9 қаватли уйлар билан танишиш чоғида бундай турар жойларни вилоят марказларида ҳам барпо этиш зарурлигини таъкидлаган эди. Ушбу тавсия асосида Нурафшонда 21 та шундай уй қуриш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди. Шунингдек, 360 ўринли боғча, 1 минг 200 ўринли мактаб, маданий-маиший объектлар, дам олиш ҳудудлари барпо этилади.

Нурафшон мамлакатимизда шаҳарсозлик бўйича янги тажриба майдони бўлмоқда. Бу ердаги шарт-шароит, ижтимоий соҳа объектлари Тошкентдагидан кам бўлмаслиги, аксинча, рақобатлашадиган бўлиши керак. Албатта, бунинг учун ҳар бир лойиҳани пухта ишлаш, узокни кўзлаб иш тутиш керак, деди давлатимиз раҳбари.

Нурафшонда канализация тармоғи умуман талабга жавоб бермас эди. Мавжуд тозалаш иншооти бутун шаҳарни қамраб ололмади. Шу боис қурилиш давомида муҳандислик коммуникациялари бутунлай янгиланди.

Шаҳарнинг марказий Тошкент йўли кўчаси ҳам янгидан

барпо этилмоқда. Кўча бўйидаги бир қаватли эски иморатлар ўрнида 7 ва 9 қаватли уйлар, сервис шохбчалари, саломатлик марказлари, гипермаркетлар қурилиши бошланган. Ҳар бир бино олдида автомобиль тўхташ жойлари бўлиши кўзда тутилган.

Тўрт полосали магистрал автомобиль йўли билан бирга икки йўл ҳам қуриляпти. Велосипед ва пиедалар йўлакчаларига жой ажратилган. Ирригация тармоқлари учун янги турдаги ёпиқ лотоклар ўрнатилиб, кўча бўйлари кўкаламзорлаштирилмоқда.

Тошкент йўли кўчасида тирбандликнинг олдини олиш мақсадида шаҳарнинг кириш қисмида «Smart city» марказига борадиган янги 4 километрлик кўча қурилиши режалаштирилган.


Айни пайтда аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида замонавий ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиш учун 100 гектарлик технопарк яратиб бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

Президентга вилоят аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳалари ҳам тақдим қилинди. Давлатимиз раҳбарининг топшириқлари асосида 2022 йилга бориб, вилоят аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланиш даражасини 92 фоизга етказиш имконини берадиган ушбу лойиҳалар учун халқаро молия институтларининг маблағлари жалб этилади.

Ўрта Чирчиқ туманидаги 50 гектар майдонда инновацион савдо мажмуаси қурилиши мўлжалланмоқда. Лойиҳа қиймати 50 миллион доллар бўлган мажмуада 5 мингта дўкон жойлашади, 10 мингдан зиёд иш ўрни яратилади. 2021 йилда ишга тушириладиган мажмуада ноозиқ-овқат маҳсулотлари, маиший товарлар, қурилиш материаллари савдоси йўлга қўйилади.

Шавкат Мирзиёев Тошкент вилояти мамлакатимизнинг муҳим логистика маркази эканини, йирик савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаларини қуришда ҳудуднинг шу имкониятини эътиборга олиш лозимлигини таъкидлади. Ҳар бир лойиҳани сифатли ва ўз муддатида амалга ошириш юзасидан топшириқлар берди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Матназар ЭЛМУРДОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари



Юртимизнинг сўлим гўшаларида жойлашган қатор болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ёзнинг илк кунларидан дам олувчиларни қабул қилишни бошлади. Хусусан, Тошкент Жанубий вокзалида шаҳар касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси фаоллари Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги «West Camp» оромгоҳида ҳордиқ чиқариш мақсадида келган Оролбўйи ҳудудида яшовчи ўғил-қизларни тантанавор тарзда кутиб олишди.



Ёзги соғломлаштириш – 2019

Ҳаяжон чексиз, руҳ кўтаринки

Қорақалпоғистонлик 150 нафар ўқувчи мураббийлари ҳамроҳлигида Кўнрот – Тошкент йўналишидаги поезддан бирин-кетин тушиб келишди. Карнай-сурнай садолари оромгоҳ кучоғида кечадиган завқли дамлар таъсирида бўлган болажонларнинг кайфиятини янада кўтариб юборди. Юз кўзида хурсандчилик, ҳаяжон ифодаси барқ урган ўғил-қизларнинг шодон кулгулари атрофни тутди.

– Бу кунни жуда интиқ кутгандим, қувончимнинг чеки йўқ – дейди Тахтақўпир туманидаги 8-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Сабирбай Баймирзаев. – Икки йил аввал «Конструктор» оромгоҳида дам олиб, бир олам таассурот билан уйга қайтгандим. Ушбу дам олиш масканида турли хил йўналишдаги тўғрак машғулоти, маданий тадбирлар ва спорт мусобақалари бир

зум ҳам зерикимизга имкон бермади. Айниқса, хушманзара табиати, мусавфо ҳавосидан баҳра олиб яйраганимиз. Бу гал таассуротимиз янада бойийди, деган умиддаман.

– Шуманай туманидаги 5-мактабда ўқийман, – дея ўзини таништиради Изолда Бегманова исмли қиз. – Бундай узоқ йўлга биринчи марта чиқишим эди. Чарчаб, зе-



рикиб қолсам керак, деб ўйлагандим. Поезда кела-келгунча юртимиз манзараларини томоша қилиб, чарчоғим унутилди. Дўстларимиз билан шەър-у қўшиқ айтишиб, манзилга етиб келганимизни сезмай қолдик. Оромгоҳда янги дўстлар орттириб, биргаликда мириқиб дам олиш оларимизни ҳаяжон билан кутяпман. – 60 нафар боладан иборат гуруҳга 2 на-

фар мураббий бириктирилганмиз, – дейди Қўнрот туманидаги 37-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Балзада Бахиева. – Болаларни яхши кўраман, улар билан ишлаш жон-у дилим. Шу боис ҳам ўқитувчилик касбини танлаганман. Оромгоҳда 15 кун давомида ўғил-қизлар билан бирга бўлиб, уларнинг дам олиш онлари мароқли ва мазмунли кечисига ҳисса қўишни дилимга тугганман. Қолаверса, «West Camp» инглиз тилига ихтисослашган оромгоҳ. Бу ерда болалар билан инглиз тилида жонли машғулоти йўлга қўйиб, уларга бу тилда маълум даражада мулоқотга киришиб, биргаликда мириқиб дам олиш оларимизни ҳаяжон билан кутяпман. – 60 нафар боладан иборат гуруҳга 2 на-

фар мураббий бириктирилганмиз, – дейди Қўнрот туманидаги 37-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Балзада Бахиева. – Болаларни яхши кўраман, улар билан ишлаш жон-у дилим. Шу боис ҳам ўқитувчилик касбини танлаганман. Оромгоҳда 15 кун давомида ўғил-қизлар билан бирга бўлиб, уларнинг дам олиш онлари мароқли ва мазмунли кечисига ҳисса қўишни дилимга тугганман. Қолаверса, «West Camp» инглиз тилига ихтисослашган оромгоҳ. Бу ерда болалар билан инглиз тилида жонли машғулоти йўлга қўйиб, уларга бу тилда маълум даражада мулоқотга киришиб, биргаликда мириқиб дам олиш оларимизни ҳаяжон билан кутяпман. – 60 нафар боладан иборат гуруҳга 2 на-


фар мураббий бириктирилганмиз, – дейди Қўнрот туманидаги 37-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Балзада Бахиева. – Болаларни яхши кўраман, улар билан ишлаш жон-у дилим. Шу боис ҳам ўқитувчилик касбини танлаганман. Оромгоҳда 15 кун давомида ўғил-қизлар билан бирга бўлиб, уларнинг дам олиш онлари мароқли ва мазмунли кечисига ҳисса қўишни дилимга тугганман. Қолаверса, «West Camp» инглиз тилига ихтисослашган оромгоҳ. Бу ерда болалар билан инглиз тилида жонли машғулоти йўлга қўйиб, уларга бу тилда маълум даражада мулоқотга киришиб, биргаликда мириқиб дам олиш оларимизни ҳаяжон билан кутяпман. – 60 нафар боладан иборат гуруҳга 2 на-

Ўз мухбиримиз

Ҳикмат

Одамга болаликдан сингдирилган одатлар ёш дарахт танасига ўйиб ёзилган ҳарфларга ўхшайдики, улар дарахт билан бирга ўсади, вояга етади дарахтнинг таркибий қисмига айланиб қолади.

В. ГОГО



Навоий вилоятида мавсум ташкилотчилари ва оромгоҳларга жалб этиладиган ходимлар учун ўтказилган семинарда ёзги соғломлаштириш ишларини уюшқоқлик билан ташкил этишга оид вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Ором улашишни кўзлаб

Жумладан, мавсумга барча турдаги оромгоҳларни тайёрлаш, болаларнинг сифатли, мазмунли ва қизиқарли дам олишини ташкил этиш, оромгоҳларда болаларга ма-


лакали тиббий хизмат кўрсатиш, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини санитария-гигиена талабларига риоя этилишини назорат қилиш, жамоат тартибини сақлаш, хавфсизлик чораларини кўриш, малакали педагог кадрларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Секция машғулоти давомида ҳар бир соҳа вакиллари мутахассислар томонидан оромгоҳларда ишларни

тўғри ташкил этиш, ҳар бир йўналишда алоҳида эътибор қаратиш талаб этиладиган масалалар, юритиладиган ҳужжатлар бўйича батафсил тушунтириш берилди.

Шу билан бирга, кўргазмалар ташкил этилиб, уларда ишчи гуруҳлар томонидан ёз мавсумида оромгоҳларга тарқатиладиган қўланмалар, плакатлар, тарқатма материаллар, фаолият юритиши режалаштирилган тўғрак ва кутубхоналар фаолияти намойиш этилди.

Н.НУРМОҲАММADOV,
Навоий вилояти касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири



Завқли таътил бўлажак

Вилоятдаги 23 та шаҳар ташқарисидagi оромгоҳларда мавсумга пухта тараддуд кўрилди.

Ёзги дам олишни ташкил этиш мақсадида 28 миллиард 969 миллион 758 минг сўм сарфланиши режалаштирилган. Касаба уюшмалари ва хомийлар кўмағида меҳнаткашларнинг 21130 нафар фарзанди дам олиди. Бундан ташқари, корхона ва ташкилотларда касб-хўнарсиз коллежларнинг ўқувчилари учун 10 та «Меҳнат ва дам олиш» оромгоҳлари ташкил этилади.

Жорий йилда ҳам амалиётда ўзини оқлаб келаётган тажрибали ишга солиниши кўзда тутилатирилади. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда иқтидорли тарбияланувчилар учун «Интеллектуал ривожлантириш», тарбияси оғир, ижтимоий муҳофазага муҳтож

болалар учун «Тарбия ва спорт, соғломлаштириш» оромгоҳлари ташкил этилиши режалаштирилган. Синоддан ўтган 412 нафар тарбиячи-етакчилар, тўғрак раҳбарлари, спорт йўриқчилари, тиббиёт ходимлари мавсумга жалб этилган.

Ўтган фурсатда амалга оширилган ишлар, тайёргарлик жараёнлари бир неча бор ҳамкорлар билан муҳокама этилди. Самарқанд шаҳридаги «Ёшлар маркази», касаба уюшмалари тасарруфидagi «Чорчинор» оромгоҳларида ёзги мавсум муваффақиятига доир амалий семинарлар ташкил этилди.

Хуллас, ёзнинг болажонлар учун соз ўтиши йўлида барча имкониятлар ишга солинган.

Феруз РАЗЗОҚОВ,
Самарқанд вилояти касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири

Кимнинг ечимини энг яхши?

«Энг фаол ёш касб эгаси» танловининг алоҳа, ахборотлаштириш тизими бўйича «Бизнес учун дастурий ечимлар» номинациясининг республика босқичи ўтказилди. Танловда Навоий вилояти педагогика институтининг Ахборот технологияларини

жорий этиш ва ахборот хавфсизлиги бўлими дастурчиси Ғолибжон Ҳалимов 1-ўрин, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали ассистенти Акбар Баҳриддинов 2-ўрин, «Ўзбектелеком» АЖ Хоразм

филиали маълумот узатиш тармоғини бошқариш бўлими муҳандиси Тимур Авизов 3-ўринни қўлга киритди.

Танлов якунида ғолиблар тақдирланди.

Махлиё УМИРЗОҚОВА,
«ISHONCH»

Кимёвий таҳлилда тенгсиз

«Фарғонаазот» АЖда ўтказилган «Энг яхши ёш ишчи касб эгаси» танловининг «Кимёвий таҳлил лаборанти» номинацияси бўйича республика тармоқ босқичида юртимиздаги етакчи кимёвий корхоналарда фаолият олиб бораётган ёш, иқтидорли мутахассислар ва касб-хўнарсиз коллежи ўқувчилари беллашди.

– «Кимёвий таҳлил лаборанти» танлови илк марта бўлиб ўтказилмоқда, – дейди Кимё ва фармацевтика sanoati ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши раиси Мавжуда Халилова. – Мақсадимиз ёшларнинг истеъдодини намойиш қилиш, танлаган касб ва ихтисосликларини чуқур ўрганишга қизиқишини кучайтириш, қолаверса, соҳада умидли ёш мутахассисларни кашф этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат.

Ўн нафар иштирокчи назарий ва амалий синовлар жараёнида касбий билим ва кўникмаларини намойиш этишди. Якуний натижага кўра, «Фарғонаазот» АЖ марказий кимёвий лабораторияси лаборанти Умидахон Гуфурова 1-, «Навоийазот» АЖ лаборанти Лобар Раҳмонова 2-, «Максам-Чирчиқ» АЖ лаборанти Зилола Усмонова 3-ўринни эгаллашди.

– Мен ишлаётган марказий кимёвий лаборатория корхонамизнинг юрағи ҳисобланади, – дейди танлов ғолиби У.Гуфурова. – Айни пайтда у ерда 86 нафар лаборант ишлайди. Барчаси менга устоз. Улардан ўрганган билимларим туфайли бугун ғолиб бўлдим. Бу каби танловлар касб маҳоратимизни янада оширишга хизмат қилади.

Ғолиблар тармоқ касабаси уюшмаси Республика кенгашининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Жамшид ЭРҒАШЕВ,
«ISHONCH»



Танлов



Намунали бўлиш осонми?


Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш ташкилотлари бирлашган касабаси уюшма кўмитаси ташкил этган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловида комиссия тасарруфдаги 30 та бошланғич ташкилот тақдим қилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, тегишли тартибда баҳолади.

Ғолиблар икки йўналишда – юз нафаргача ва ундан кўп аъзоларни бирлаштирган касабаси уюшма ташкилотлари орасида алоҳида аниқланди.

Вилоят болалар сил касалликлари санаторийси бошланғич касабаси уюшма ташкилоти 100 нафардан зиёд аъзоларни бирлашти-

ган ташкилотлар орасида ғолиб, деб топилган бўлса, 100 нафаргача аъзоларни бирлаштирган касабаси уюшма ташкилоти қон қуйиш маркази бошланғич касабаси уюшма ташкилоти энг юқори баҳога муносиб дея эътироф этилди.

Муҳаббат ТўРАБЕКОВА,
«ISHONCH»



Тушунча ва кўникма юқори


Гулистон шаҳридаги 19-мактабгача таълим муассасасида 30 нафар ходим меҳнат қилади. Жамоада доимий равишда спорт, маданий ва маърифий тадбирлар ташкил этилади. 15 йилдан бундан кўра болалар билан бирга қўшимча таълим беришга ҳар томонлама эътибор қаратмоқда.

2-умумтаълим мактабиди ҳам ишлар намунали йўлга қўйилган. Жорий йилнинг биринчи чорағида 50 нафар ходимнинг Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди. Сихаттоҳларга 2 та йўлланма ажратилган бўлса, саломатликни тиклаш учун моддий ёрдам сўраган 6 та ариза ижобий ҳал қилинди. Ай-тиш мумкинки, 120 нафар ходимга эга ташкилотда меҳнат қонунчилигига қатъий амал қилинади. Шу

боисдан ҳам меҳнат ҳуқуқлари бузилишига оид шикоятлар кузатилмаган.

Ушбу муассасалар касабаси уюшма кўмиталари тармоқ касабаси уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши тизимида 18 та бошланғич ташкилот ўртасида ўтказилган танловда ғолиб бўлди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«ISHONCH»



Қорақалпоғистон
Республикаси

ФАРОСАТИНГГА БАЛЛИ, ҲАМҚИШЛОҚ

ёхуд боқимандалик кайфиятида юрганларга бир салом

Ҳаётда кўриб турибмиз, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оила-ларга алоҳида кўмаклар берилмоқда. Ногирон, боқувчисини йўқот-ган инсонларнинг уй-жойлари таъмирланяпти. Кўмак талаб инсон-ларнинг хонадонларига маиший техника воситалари берилмоқда, зарурати бор юртдошларимизнинг соғлиқларини тиклашларига ёр-дам берилмоқда. Ҳаётдан кўнгли ўксиган, кўплаб инсонлар бугун, уйли-жойли бўлмоқда.

Аммо ораимизда боқимандалик «дарди»га мубтало бўлганлар ҳам, афсус, йўқ эмас. Бунинг ҳаётида кўп кўрпимиз. Ана шулардан айримла-рини ҳикоя қилсак.

«МУЗЛАТКИЧ ОБЕРСАНГ, ЁЗИШНИ ТЎХТАТАМАН...»

Бир мuddат аввал Нукус шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинларидан би-рининг раиси билан учрашиб қолдик. Унинг кайфияти йўқ эди.

— Аҳоли билан ишлаш осон бўлмай қолди, — дея ёзғирди раис. — Эл юкини эғнимга олганимдан гоҳида афсусланиб кетаман. Мана улардан бири. Касаба уюшмаларининг ёрдами билан уйи таъ-мирланиб, томи шиферланган хонадон

бекаси Олмагул (исми ўзгартирилган). Унга нон пиширгич ҳам берилган эди. Ҳар ойда ажратилаётган ёрдам пулига қаноат қилмасдан тинимсиз шикоят хати юбормоқда. Айтишича, икки хо-нали «Artel» музлаткичини олиб бе-ришса, «ёзиш»ни тўхтатиб, тинч кўяр-миш.

Бу аёл бизга Пушкиннинг «Олтин балиқ ва чол» эртакидagi кампирни эслатди. Раисга эса асабийлашмас-ликни ва босиқликни маслаҳат бер-дик, холос.

ТЕНТАККА ТАВСИЯ БЕРСАНГ...

Хўжайли туманидаги «Кулоб» овул фуқаролар йиғини раиси котиби М.Со-диқовнинг айтганларини эшитиб, ҳай-ратга тушмаслигининг иложи йўқ эди.

Гап шундаки, маҳаллада яшовчи Чаржов (исми ўзгартирилган)га то-морқа еридан самарали фойдаланиш тавсия этилиб, 20 килограмм картошка уруғи берилибди. Бироздан сўнг назор-рат учун боришса, томорқада картошка тугул, уруғи ҳам йўқ.

— Шу уруғни экканингда, 100-150 ки-

логача ҳосил олардинг, — дебди маҳалла фаоллари.

— Кўп бошимни қотирмасдан айтинг-лар-чи, шу уруғнинг пулини қайтариб берсам бўлмайdimи? — дебди у.

«Тентакка тавсия берсанг, ўзингга ақл ўргатади», деганлари шу бўлса ке-рак. Ҳали қирқни қораламаган қирчил-

миннат» таратиб келаётган бу йигит-нинг қилиғидан гашим келиб, дедим:

— Кайфингиз борга ўхшайди?

— Ҳ-а-а. Тўйдан чикувдим.

Беҳаёга кунда тўй, деб шуни айтса-лар керак-да.

— Касалмисиз? — Яна саволга тутдим.

— Й-ў-ў-ғ-е-е. Худо асрасин.

— Аҳоли билан ишлаш осон бўлмай қолди, — дея ёзғирди раис. — Эл юкини эғнимга олганимдан гоҳида афсусланиб кетаман. Мана улардан бири. Касаба уюшмаларининг ёрдами билан уйи таъмирланиб, томи шиферланган хонадон бекаси Олмагул (исми ўзгартирилган). Унга нон пиширгич ҳам бе-рилган эди. Ҳар ойда ажратилаётган ёрдам пулига қаноат қилмасдан тинимсиз тепага шикоят хати юбормоқда. Ай-тишича, икки хонали «Artel» музлаткичини олиб беришса, «ёзиш»ни тўхтатиб, тинч кўярмиш.

лама йигит оғирнинг усти, енгилнинг ости билан кун кечиришни одат қилаёт-ган кўринади?

«ЮМУШГА КИРСАМ, ЁРДАМ ПУЛИ БЕРИЛМАЙДИ»

Яқинда ҳамқишлоғим Жугинис (исми ўзгартирилган)нинг юриш-тури-ши, ўзини туттиши-ю, сўзларидан ёқа ушладим. Унинг айтишича, маҳалла ра-иси уйига бориб ҳолидан хабар олиши, яшаш шароитини ўрганиши, томини шиферлаб бериши, камига ҳар ойда ёр-дам пули ажратиб туриши керак экан.

Мусаллас ҳидини овул оралаб «бе-

— Нимага ишга кирмайсиз?

— Юмушга кирсам, ёрдам пули бе-рилмас экан...

«Фаросатингга тасанно», Жуги-нисбой! Андишанинг отини кўрқоқ қўйибсиз. Ярим гектар ери бор, соғлом одам бўла туриб, рўзгорини тебратиш учун маҳалла раисининг тинчини бу-зишни бундан бошқа нима деб аташ мумкин, ахир.

ИШ ЙЎҚ, ЭМАС...

Бундан икки-уч йил аввал иш топиш бироз қийин эди. Бугун шаҳарлар билан туман марказларида бошлаб юборил-

Афсуски, бу ҳам ҳақиқат...

ган қурилиш иншоотларида, Тахиятош иссиқлик электр станциясида, Мўйноқ туманида бошланган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларида ишчи кучи зарурлиги айтилмоқда. Кўчалардаги эъ-лонларда гишт заводлари билан корхо-наларда ойига 1200-1500 минг сўмгача меҳнат ҳақи ва иссиқ овқат билан мах-сус кийим-бош берилиши қайд этила-ётир. Тагида ёзилган телефон рақам-ларидан манзинини, керакли маълу-мотларни билиб олиш малол келмаса бўлгани.

Камина яшайдиган Мустақиллик маҳалласи биринчи, яъни туман ҳо-кими секторига бириктирилган. Бу йил маҳалла раиси тавсияси ва Хўжайли ту-мани ҳокимлиги ҳомийлигида ўнлаб хонадонларга нархи 5 миллион сўм-лик мини иссиқхоналар қуриб берилди. Ишнинг кўзини биладиган, меҳнатсе-вар овулдошларимиз иссиқхоналарида етиштирган кўкат ва бодрингларни ал-лақачон бозорга чиқариб, унча-мунча даромадли ҳам бўлишди. Етиштир-ган помидор кўчатларининг ортинги маҳалладошларига тақдир этган бўлса-лар, эрта-индин пишиш арасида тур-ган помидор ҳосилини эл дастурхонига инъом этиш учун тараддуд кўрмоқда-лар.

Уларни кўриб, кўнгил яйрайди. Аммо ўзибўларчилик кайфиятида юрган, «ишламасдан тишлаш»га мойиллиги бор кишилар дилини хира қилади. Нима бўлганда ҳам эр киши ҳалол меҳнати билан, рўзгорида бош бўлиб, оиласини бут қилишга қонун олдида, бола-чақаси олдида, Яратган олдида ҳам мажбур-дир. Яна билмадим...



Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch»

«Ishonch»ga
жавоб берадилар



Эҳтимол...
қурилади

Газетанинг шу йил 4 май сонида чоп этилган мақолага Хўжайли ту-мани ҳокимлига қўйи-дагича жавоб берди:

Туман марказидаги Мустақиллик кўчаси бўйи-да 15-сонли кўп қа-ватли турар жойнинг қури-лиши муносабати билан АТ «Хамкор банк» Қорақал-поғистон ҳудудий бўлими-нинг ипотека кредити ажра-тишни рад этгани оқибатида 4 нафар фуқарога турар жойларини бузиш учун ком-пенсация пулларини тўлаб бериш кечиктирилмоқда. Бугунги кунда ушбу кўп қа-ватли турар жойнинг қури-лиш ишларини амалга оши-риш «Меъмор Ходжейли» МЧЖга бириктирилган. Ле-кин кредит маблағлари ажратилмагани сабабли қу-рилиш ишларини бошлаш имкониятига эга эмаслиги маълум бўлди.

Ипотека кредитлари ажратиш масаласи ижобий ҳал этилганидан сўнг қайд этилган салбий ҳолатлар ўз ечимларини топади. Қолган 21 та кўп қаватли уйлари қуришга ташаббускорлар аниқланганидан кейин қури-лиш ишлари бошланиш эҳти-моли бор.

Хўжайли тумани
ҳокими Ж.Ермашев

Камчилик
такрорланмайди



Газетанинг шу йил 13 апрель сонида чоп этилган «Етти пир»-сиз зиёрат туризми ёхуд сайёҳларга қандай хизмат кўрсатиш ке-рак?» сарлавҳали мақо-лага Туризмни ривож-лантириш давлат қўмитаси Бухоро вило-яти туризмни ривож-лантириш департа-менти қўйидагича му-носабат билдирди:

Бухоро шаҳрида ўтказил-ган Халқаро зиёрат ту-ризми форуми биринчи мартаба ўтказилгани са-бабли мақолада кўрсатиб ўтилган айрим камчиликлар юзгага келди. Келгусида ўт-казиладиган зиёрат туризми форуми ва тадбирларда бун-дай камчиликларга йўл қўй-маслик борасида тегишли чоралар қўрилишини ҳамда зиёрат туризмни ривож-лантиришга оид мулоҳазалар инobatта олинишини маълум қиламиз.

Департамент
директори Д.Хўжаев

Эълон

2008 йилда Тошкент ви-лояти Янгйўл туманидаги 44-умумий ўрта таълим мактаби томонидан Абдиев Афзалжон Анвар ўли но-мига берилган У №3441736 рақамли 9-синфин бити-рганлик тўғрисидаги шаҳо-датнома йўқлиги сабабли бекор қилинади.

Ҳикмат

Бекорчилик ва айш-ишрат на-фақат нодонликка олиб келади, айни вақтда касаллиқнинг туғи-лишига ҳам сабаб бўлади.

ИБН СИНО

Луқма



Бемаъни ҳазилнинг таги зил

Ишдан келиб, телевизорни ёқдим. «Zoʻrtv»да «Хафа бўлиш йўқи» бўлаётган экан. Аввалига тушунмадим: одамлар оёқ кийимларини ечиб, қанақадир чи-зиқларни босиб ўтишди, роль ўйнаётганига ишонган бир актёр ўзи билмаган ҳолда «чув тушди»...

Тўғри, кўнгилочар дастур-лар керак. Айниқса, ишдан чарчаб келганда, оила дав-расида томоша қилиш кишига роҳат бағишлайди. Лекин ора-сида дилини хира қиладиганлари ҳам йўқ эмас-да. Улардан бири, айнан мана шу — «Хафа бўлиш йўқи».

Нега дейсизми? Аудитория тўплаш илин-жида кўнгилга келган ишни қи-лиш, актёрлар болаларини ўғри-лаш, одам ёллаб уриштириш, ёлғон сўемкалар, сохта эпизод-лар, ҳаттоки, ўлим ҳолати ҳам кулгили тарзда давом этиши ва биз уни оиламиз билан мунта-зам кўришимиз салбий оқибат-ларга, яъни лоқайдлик ва бепар-воликка олиб келмасмикан?

Бундай лавҳаларнинг бери-лиши аслида яхши ҳолат эмас-лиги барчага аён ҳақиқат-ку.

Ўсиб келаётган ёш авлодга унинг таъсирини ўйлаган борки, хавотирга тушмасдан иложи йўқ. Улар ўқиё-ўрганиш ўрнига дўст-биродарларни алдаш, кў-пол ва бемаъни ҳазиллар, сох-талик каби иллатларни ўзларига одат қилиб олмасмикан?

Ижтимоий онгнинг ўзга-риши, тафаккурнинг соғломла-шуви, миллий қадриятлар асо-сида эмас, мана шундай кўрса-тувлар асосида тарбиялангани

эса даҳшатнинг ўзи эмасми?

Бундай кўрсатувлардан маъ-навий сабоқ олишни-ку, ҳаёл қилмасак ҳам бўлади. Энг ёмони, қитмирлик, ёлғончилик, алдовни ўрнат қилиб қўймаймизми? Бу ғоялардан зериккан болалар осон ишларни топишга ҳаракат қилиб, мана шундай ёлғончилик дебocasи бўлган кўрсатувлар-даги ҳолатларни содир қилишига қўлмайди, дея айта оламизми? Бундай лавҳалар уларнинг маъ-навий доираси ўзгаришига кўзгу бўлиб қолмаяптимики! Қитмир, муғомбир, алдоқчи бўлиб ўсмас-лигига эса ҳеч ким қафолат бера олмайди.

Бу лавҳалар ҳазил-ку, боло-лар бунинг ёлғончилигини били-шади ва шунчаки дам олиш учун кўради, дерсиз. Аммо, шуни унутмангки, бундай воқеалар истаимизми, йўқми уларнинг онги остида қолади ва қачондир ўз таъсир кучини кўрсатади.

Одатда, намунали ва ўрнат бўладиган воқеалар оммага тат-биқ этилади. Бировни алдаб кулгу яшанинг — бу бемаъни ҳа-зилнинг таги зилдир.

Дарвоқе, хафа бўлиш йўқ-а!

Шахноза АХМЕДОВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети
талабаси

Қашқадарё
вилояти

ИЛМ ЧЎҚҚИЛАРИ ҚАНДАЙ ЗАБТ ЭТИЛАДИ?

Ёхуд мактабда олинадиган бу билим билан «қаергача» бориш мумкин?

Бундан чорак аср муқаддам. Мак-табда яхши ўқирдим. «Фан олимпиа-дари»да қатнашардим. Аммо негадир ту-ман босқичидан нариёғига ўтолмасдим. Шунда «Нега энди синфимизда, мактаби-мизда аълочи бўлсам-у, ўтилган барча ми-солларни битта қолдирмай еча олсам-у, олимпиадада ўрин ололмаяпман?», дея жиғибийрон бўлардим.

Бугун. Мактабда яхши, аъло ўқийдиган кўп ўқувчилар «Билимлар беллашуви» ёки «Фан олимпиадалари»га бориб, уйга қуруқ қайтишмоқда.

Нега? Уларни ҳам бир вақтлар мен рў-барў келган саволлар қийнаётган бўлса, ажабмас.

Далил: Шаҳрисабз туманидаги 18-умумтаълим мактаби ўқувчилари ҳар йили «Билимлар беллашуви»да юқори ўринларни олиб келмоқда. Бу маълум-тод кўпчиликтида шундай савол туғдиради: уларнинг «тепароқда» таниши бормикан? Биз ҳам шу саволни Шаҳрисабз ту-манидаги 18-умумтаълим мактаби-нинг олий тоифали математика ўқи-тувчиси Баҳодир Пардаева бердик.

— Бунинг сабаби оддий, — дейди у. — Оддий мактаб дарсликларини ўқиб юр-ган, фақат ўтилган мавзулар бўйича аъло баҳолар олаётган ўқувчиларнинг билими «Билимлар белла-шуви» ёки Олимпиадада юқори натижа кўрсатишга етарли бўлмайди. Шу са-бабларидан кейин тў-гараклар ташкил этган-миш. Унга келадиган ҳар бир бала билан ин-дивидуал ишлаймиз. Ҳамма бола ҳар хил ўзлаштиради. Уларнинг ёши ва психологиясига қараб, фанга бўлган қи-зиқишини оширишга эъти-бор қаратамиз. Ўқувчиларим Асадбек Маҳмадўстов, Муҳлис Гадоева, Рамзиддин Гадов сўнгги йил-ларда давоми равишда «Билимлар бел-лашуви»нинг туман ва вилоят босқичла-рида ўзларини кўрсатишди. Асадбек ўтган йили ташкил этилган «Инновацион олим-пилада»нинг республика босқичига бо-риб, у ерда ҳам мутахассислар эътирофига сазовор бўлди.

— Аслини олганда, математика фа-



нига ҳамма ўқувчи ҳам қизиқавер-майди. Аммо бу фансиз ҳаётни та-саввур ҳам қилиб бўлмайди. Бунинг ўқувчиларга қандай тушунтирасиз?

— Бу жуда оддий. Масалан, оддий су-воқчи ёки бўёқчилик касбини танла-ган киши суваган хонасининг квад-ратини чиқара олмаса, меҳнатига муносиб ҳақ ололмаслигини болаларга ўқтираман.

«Мабодо бобонгиз ёки бувин-гиз сўраб қолиши мумкин.

«Бизнинг пенсиямиз 15 фоизга ошибди. Хо-зиргача ҳар ой 700 минг сўм ола-ётгандим. Бун-дан буён пен-сиям қанча бў-ладими?», деб сўраб қолса, уялиб қолманглар, тезда ҳисоблаб беришлар», дея

фоизнинг аҳамия-тини очиб бераман.

Шу тарика математика фанига умуман қизиқмай-диган ўғил-қизда ҳам қизиқишни шакллантириш мумкин...

— Билим олиш игна билан қудуқ қазишдек гап. Унинг сир-асорини англаш учун вақт етарлими?

— Меҳнат фаолиятим давомида шунга амин бўлдимки, 45 дақиқалик дарс даво-мида ўқувчиға мавзунини тўлақонли тушун-



Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch»



Мен үч йил Украинада, икки йил Россияда яшаганман. Ўшанда Ватан соғинчнима эканини бошимдан кечирганман. Юрт ичидагилар буни туйиб, туйишмайди. Ватандан четдагилар буни юрак-юраги билан туйишади.

Эврил ТУРОН,
ёзувчи

ВАТАН СОҒИНЧИ

ёхуд тарихий жасорат

Юрт севги, соғинчи, Миллат севги, соғинчи, Ота-она севги, соғинчи, Қариндош-уруғ севги,

соғинчи – булар Тангри томонидан берилган муқаддас туйғулар. Ёт юртларда ҳар дақиқа, ҳар сония Ватанимни кўмсаб яшадим. Менинг Билгир отли дўстим мендан-да ортиқ кўмсаб яшарди. Унинг қон йиғлаганларини ўз кўзим билан кўрганман. Лекин у ўз севгилиси Валентина Катвиская (поляк кизи)га қаттиқ боғланиб қолган эди. У Билгирни ер-у кўкка ишонмасди. Унинг букчайиб қолган энаси Ирина момо ҳам Билгирни ўз набирасидек севарди. Билгир билан ҳар кун дардлашардик. Унинг дарди меникидан-да зиёда эди.

Билгирдаги Ватан соғинчи, изтиробларини сезиб юрган Валентина Катвиская эрини ўйлаб қайғуради. Бир кун ўқиб йиғлаб ундан сўрайди: – Сен мени севасанми, Билгир? – Мени бу ерга боғлаб турган нарсасен, Валя. – Сенинг Ватанинг мендан-да суоқлими?

– ... – Айт. – Кўнлинг оғрийдими, Валя, кўй, сўрама...

Йиллар кечароқ мен Билгир ва Валентина ҳақида, уларнинг аччиқ қисматлари ҳақида балладам. Ўнда ҳақиқатни сўйладим. Бу ерда оламда Ватан севгисидан улугроқ севги йўқлигини куйладим.

– Яратган Эгамга тавалло-қилароқ, юрагим буюрганини ёзаман, ишонч билан... Президентимизда ана шу – Ватан севги, соғинчи туйғуси ўшворлигини кўрдим. Кўзимга ёш келди. Инсон қонига ботаётган қадим Шомдан, Сурия

тупроқларидан 156 нафар ватандошимизни ўлим чангалидан қутқариб олиб келди. Олиб келдигина эмас, илож, имконсизликдан, очлик, йўқликдан, Ватан соғинчидан адоий-тамом бўлган бу адашган, алданган миллатдошларимизга гулшан гўшадан жой қилиб берди. Буткул саҳийлик билан, буткул меҳрибонлик билан!

Миллий тарихимизда бўлмаган воқеа бу! Бутун дунё ўзбекларини қувонтирадиган воқеа бу! Чет эллардаги юртдошларимизга умид бағишлайдиган воқеа бу!

Ота-она ўз болаларига, яхшими, ёмонми, айросиз, барига меҳр кўрсатади, барини тўғри йўлга етаклайди.

Шавкат Мирзиёевнинг ўз Ватандошларига кўрсатган меҳрини мен шу ота-оналар меҳрига менгзайман.

Кеча қандоқ эди? Бугун қандоқ? Кеча тун бўлса, бугун кундуз. Қама-қамалар... Портлашлар...

Оилада бир одам йўлдан адашган бўлса, унинг бутун оила аъзоларига «халқ душмани» деб қараларди.

Мен кеча кечган ҳақсизлиқни айтаяпман, қандоқ бўлса шундоқ яширмай, бўрттирмай. Бундоқ эл-улусда давлатга ишонч бўладими, меҳр бўладими, фидойилик бўладими? Йўқ!

Ана шу совған, сўнган меҳрини Президент Шавкат Мирзиёев қайта алангалатапти. Кўз тегмасин, юртдошларимизнинг Суриядан Ватанимизга қайтарилиши «Ўзбекистонимизнинг халқроқ имижини яна бир поғона юқорига кўтарди. Зеро, ўз эл-юртини севмаган раҳбар тўғри сиёсат юргизолмайди.

3 июнь 2019 йил.

Нур ва барака фасли

Муборак Рамазон ойи озод ва обод диёри-мизга мағфират нурларини зиёда қилди, дилларимизни зикр, тасбеҳ, Қуръон тило-вати билан яйратди.



Бу йил Рамазон ойи ҳар йилгидан-да файзли ва баракотли. Биз мамнунимизки, мамлакатимизда ибодат қилувчилар учун барча таққилар бекор бўлди. Рамазон ойининг таровеҳ намозларида хатми Қуръон қилинишига ибодат қилувчилар учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Муқаддас ой олдида тозалик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Таровеҳ намозлари масжид ҳовлиси ва майдонларида ўқилди.

Ушбу ой саховат, бағрикенглик, тоат-ибодат, қут-барака, бахт-саодат ойи

ҳам дейилади. Рамазонда пайғамбаримиз (с.а.в) ҳар дамгидан кўпроқ саховат қилар экан. Биз расули акрам (с.а.в)дан ўрнақ олиб, рамазон кунлари оиламизга, қариндош-уруғларга, маҳалламиздаги бева-бечораларга, кам таъминланган қарияларга қўлимиздан келганича моддий ёрдам беришга ҳаракат қилдик, беморларни бориб кўрдик.

Муҳтарам Президентимизнинг «Қуръонни эшитиш, эшита олиш юксак маънавият, маърифат. Қуръон ҳеч қачон ёмонликка даъват қилмайди. Агар Қуръонни қаримни эшита олсак, эшиттира олсак, бу муваффақият бўлади. Элимизга нур, барака келади», деган даъватлари барчамизнинг қалб амримизга айланди.

Юртимизнинг ҳамма масжидларида рамазон ойининг файзли кечаларида таровеҳ намозларида хатми Қуръон қилинди. Биз хатми Қуръонлар сўнгига Ватанимизнинг тинчлиги, осмонимиз мусавфоллиги, халқимизнинг фаровон турмуши, жаннатмонанд юртимизнинг бундан-да гуллаб-яшнашини, мана шу

Рамазон фазилати

дориламон кунларга етишимизга сабаб бўлган инсонларнинг умрлари узун бўлишини сўраб дуолар қилдик.

Муборак Рамазон кунлари амалга оширилган «Меҳр» операциясида 150 дан зиёд ватандошларимиз, охира аёллар ва нора-сида болаларнинг қонли худуддан осуда маконга, фаровон ҳаётга, она Ватанга қайтарилиши энг хайрли ишлардан бўлди.

Кечиримлилик, бағрикенглик азалдан халқимизга хос ҳислат саналади. Зеро, адашган бандаларни тўғри йўлга бошлаш энг савобли амаллардандир. Айниқса, болаларнинг жаҳолат қурбонига айланишдан сақлаб қолингани барча мўминларни мамнун қилди.

Рамазон ойи ана шундай улуг фазилатлари билан барчага эзгуликлар, ҳидоят ва меҳр улашмоқда.

Ўқтам ҚУРБОНИЁЗОВ,
Амударё тумани «Нўғой эшон»
жоме масжиди имом хатиби

Бор бўл, оқибат!

Ҳаёт инсонни баъзан қутилмаган тўхфалар билан сийлайди. Бу гоҳ хурсанд қилса, гоҳ ранжити. Турфа ташишлар билан андармон бўлган киши баъзан ёнидагиларнинг яшаш тарзидан беҳабар қолади.

Ёришаётган кўнгил

Ўғлимни шифокор кўригидан ўтказиш учун шаҳарга бориб қайтишда такси ушладим. Йўлда учраган дорихонага кириб чиққан ҳайдовчининг кўли ҳар хил дорига тўла эди. Элик ёшлардаги бу одамнинг юз-кўзидан нимадандир безовта экани яққол сезилиб турар эди. У йўл-йўлакай телефонда ким биландир узоқ гаплашиб, «Ҳаётим», «Бахтим», деган сўзларни бир неча бор такрорлади.

Бунчи эшитган ёнимдаги аёл мени туртганча шивирлади:

– Ўйнаши борга ўхшайди...

Ҳайдовчи унинг гапини эшитди, шекилли, телефонни ўчирган бизга бошидан ўтганларини сўзлай бошлади.

– Аслида, ичимдагиларни ҳаммага ҳам айтаяпман, – деди хўрсиниб. – Хотиним ўн йилдан буён бетоб. Бугун шифокор кўригига борган эдик. Шифокор соғлиги ёмонлашганигини айтди.

– Давоси бормикан? – деди ёнимдаги аёл.

– Учрамаган жойимиз қолмади. Даво топилапти. Аёлим ҳам кундан-кунга сўниб борапти. Беш йилдан бери ўрнидан туролмайди. Худода шукр, фарзандларимиз бор. Улар онасини бир зумга ҳам ёлғиз қолдиришмайди. Ўзим эса дориларини олиш учун кеча-ю кундуз тиним билмай меҳнат қиламан. Мен уни руҳан даво-

лашга уриняпман. Фақат ширин сўз, эътиборим билан кўнглини кўтаришга ҳаракат қиламан. Хотиним «Уйланинг, мен сизга хизмат қилолмаяпман, ширин таомлар пишириб беролмаяпман», деб кўп айтади. Қариндошлар ҳам шу маслаҳатни беришди. Лекин асло бундай қилмаман. Соғлиғида мени қувонтирган, бахт берган аёлдан қандай юз бурман, ахир?!

Бу сўзларни эшитган йўловчиларнинг кўзи ёшланди. Ўртага оғир сўзунат чўқди.

Ҳайдовчи яна телефонини кўлга олди.

– Яхши ўтирибсанми. Бугун нима егин келяпти? Қулупнай чиқибди, олиб бораймиз?

Олдинда ўтирган кексароқ аёл кўз ёшларини артиб, сўзлай бошлади:

– Аелингизга шифо тилаймиз. Сизга минг раҳмат. Аслида, сиз қаби инсонлар ҳаётини гўзал қилади. Сиздай инсонлар ҳаётини кўпчилик ичиде ёйиш керак. Чунки кимдир ундан ўрнак олади.

Шу пайт машина гул сотувчи қаршида тўхтади. Ҳайдовчи унинг олдида қорши борди-ю, икки дона қизил гул сотиб олди.

– Хотинимга гул олиб борсам, роса хурсанд бўлади, – дея изоҳ берди у жилмайиб.

Бундан бизнинг ҳам кўнглимиз ёришди. Кўнгил ёришганда эса олам нурафшон бўлади.

Юлдуз АЛОВИДДИНОВА

Беш ташаббус – амалда...

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 308-мактабда «Беш ташаббус – амалда» шиор остида тадбир бўлиб ўтди.



Мактабда беш ташаббуснинг барча йўналишлари фаолияти кенг йўлга қўйилгани эътирофга лойиқ. Биринчи ташаббус бўйича драма, рақс, нотиклик, ёш актёрлар тўғрарак машғуллари ташкил этилган. Иккинчи ташаббус бўйича футбол, ҳаракатли ўйинлар, енгил атлетика, шашка, шахмат тўғрарак ўйинлари фаолияти йўлга қўйилди. Учунчи ташаббус бўйича компьютер саводхонлиги тўғрарак иш бошлаган бўлса, тўртинчи ташаббус бўйича кутубхона АРМ янги бадий адабиётлар билан бойитилган. Бешинчи ташаббус, яъни ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида тикувчилик, моҳир қўллар тўғрараклари ишлаб турибди.

– Ёшлар орасида китобхонликни йўлга қўйиш учун қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада, мактаб ўқувчилари ўзлари қизиққан турли тўғраракларга жалб этилган, – дейди мактаб директори Дилбар Расулова. – Бугун эса янги китоблар билан бойиган, бир ярим мингдан ортиқ адабиётларга эга кутубхонанинг очилиш маросимини ҳам ўтказдик. Бундан мақсад минг нафардан ошқ ўқувчиларимизнинг ёзи таътилда бўш вақтларини самарали ўтказишдир.

Тадбир барчада ёрқин таассурот қолдирди.

Нилуфар ОЛИМЖОНОВА,
Насиба ҚУРБОНОВА,
ЎзЖОУ талабалари

Эрталаб Қобилбой бошининг лўққиллаб оғришидан уйғонди. Улфатлари билан тун ярмигача ўтиргани, сархуш бўлиб уйга қайтаётгани... Шундан бошқасини эслаб олмади...

Ташқарилади. Ҳовлидаги муздек сувда қайта-қайта юз-қўлини ювиб, уйга кирди. Ошхонадаги чойнакдаги совуқ чойни симирган, бироз ўзига келгандай бўлди.

Шунда... Дастурхон бошида мунғайиб ўтирган онасига кўзи тушди. Тили зўр-базўр айланиб, «она, яхшимисиз», деди. Онаси жавоб бермади. Ё хўрсинди, ё чуқур нафас олди, билмай қолди. Қўрғани онасининг елкалари бироз кўтарилиб тушгани бўлди.

Не деярини ҳам, не қиларини ҳам билмаган Қобилбой яна ҳовлига чиқди. Сўрига ўтириб, ўйланди. Онаси билан қа-

чон ёзилиб гаплашган эди-я?

Кейин кўз ўнгиде бундан бир ярим ойча бурун онасининг кичик қизи Ўғил-лойни эркалаб, қилиб тургани намоён бўлди. Бир ярим ойча олдин маст бўлиб келганча, «уч қиздан сўнг яна қиз туғдинг», дея хотинини онасиникига ҳайдаб юборган. «Болам, бу нима қилганинг» дея

Ўрнак

унга ёпишган онасини ҳам силтаб ташлаганди.

Демак, шундан буён... Шу алфозда узоқ ўтирди хаёлга бо-

Ҳаёт чорраҳаларида

тиб... Хаёлини эса инидан чиқиб келиб керишган олапар тўзиди. Олапар хотиржам қараб турар эди. Ортида эса кучукча...

Йа. Ахир, бунди бир ҳафта бурун, қўшини қишлоқда яшовчи ошнасига берворганди-ку... Шундан кейин Олапар кечаси билан фингиб чиққан ва кўринмай қолганди.

«Топиб, олиб келибди-да». Онасининг оёқлари орасига кириб, эркалашиб-ўйнаётган кучукчага қараб қолди. Ўша Олапарнинг ўзига ўхшаган, туғилганидан бошлаб қизларининг овунчоғига айланган кучукча...

«Эй қойил! Қандай топиб келди, экан». Шундай дея кучукчани кўлига олди. Майин жунларидан силаб онасининг ёнига қўйиб юборди. Унинг онасига талпиниши, онасининг меҳр билан ялаб-юлқашини кузатар экан, бирдан кўнгли алланечук бўлиб кетди...

Кўз олдига қизлари келди. Соғинибди... «Олиб келамаман». Шундай азм-у қарор билан ташқарига йўналди. Ошхонада онаси боя кўрганида қандай ўтирган бўлса, шу қўйи уй суриб ўтирарди.

... Жажжи қизалоқлар уйга кириб келишлари билан ҳовли қувонча тўлди, улар сўрида ўтирган бувилари бағрига синиб кетгандай бўларди. Сўнг қилиб йўқлиб кетганиси Олапарни кучоқлаб эркаладилар, кучукча эса қизларнинг қўлидан тушмай қўйди.

Ҳамма хурсанд эди. Она ҳам, Олапар ҳам...

Холимуин ЕДГОРОВ



МУАССИС:



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хуқуқ ва халқроқ ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мўмкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилиб ва саҳифаланади.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Тахририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001.

АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Худудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андиқон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-25
Наманган – (+998-99) 889-90-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мўмкин.

Навбатчи муҳаррир:

Т.Шернаева
Мусаҳҳиш:
З. Исмоилов
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов
ЎЗА якуни – 22:55
Тўзширилди – 00:20
Газета офсет усулида, А2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буртма Г – 617. 30082 нускада босилди. Нашр кўрсатки – 133